


# MUZRABOT

*O'zbekiston— kelajagi buyuk davlat*

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan
*Ijtimoiy-siyosiy gazeta*

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2026-yil 15-aprel
Chorshanba № 7 (4527)


## Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

**Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни Кенгаш раиси С.Нурмаҳматов олиб борди. Сессия ишида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳамда кун тартибидаги масалаларга алоқадор корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар.**

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2025 йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб туманда жиноятчиликни олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш юзасидан олиб борилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар ҳамда туманда криминоген вазиятни яхшилаш, жиноятларни барвақт олдини олиш, омилларни бартараф этиш юзасидан 2026 йил 1-чораги давомида кўрилган чоралар тўғрисида" туман прокурорининг ўринбосари Ж.Мустафоқулов, "Туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати ҳақида, шунингдек, жамоат хавфсизлиги бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида" туман ички ишлар бўлими бошлиғи F.Бадалов, "Музработ тумани маҳаллий бюджетининг 2026 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида, 2026 йил 1-чораги якунида туманда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар тўғрисида ҳамда Музработ туманида ижтимоий реестрдаги 1-гуруҳ ногиронлиги бўлган ва меҳнат лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар хонадонларини таъмирлаш орқали энергия самарадорлигини ошириш ижтимоий лойиҳасини молиялаштириш рўйхатини маъқуллаш ва "Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик" жамғармаси маблағларини йўналтириш тўғрисида" туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Холниёзов маъруза қилдилар.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссияларида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2024 йил 13 декабрдаги ПҚ-438-сон қарори ижроси борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2025-2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 19 майдаги ПҚ-186-сон қарорида белгилаб берилган топшириқларнинг тумандаги ижроси бўйича туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Б.Норсаидовнинг ҳисоботи тўғрисида", "2026 йил 1-чораги давомида тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати юзасидан туман адлия бўлими бошлиғининг ахбороти ҳамда туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари С.Сафаровнинг 2026 йилнинг 1-чораги давомида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилган ишларни муҳокама этиш тўғрисида"ги масалалар кўриб чиқилган ва атрофлича хулоса қилинган эди.

Бу масалалар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашининг Аграр, қурилиш, коммунал соҳалар, экология, саноат ва транспорт масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Р.Қорақулов, Ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссияси раиси О.Олломуродов, Коррупцияга қарши курашиш, давлат органларида очиқликни таъминлаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича доимий комиссияси раиси Т.Тангиров музокара учун сўзга чиқдилар.

Депутатлар кун тартибида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз муносабатлари, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Сессия ишида Музработ тумани Ҳокими А.Маматқулов иштирок этди.



## Ёш тадбиркор фаолияти қўллаб-қувватланди

**"Ёшлар куни" тадбирлари доирасида туман Ҳокими Абдулла Маматқулов Алпомиш маҳалласидаги ёш тадбиркор Шаҳзод Бозоров хонадонида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.**

Шаҳзод Бозоров ҳозирда ўз хонадонида 2 сотих майдонда биогумус ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда. У ушбу йўналишда нафақат даромад топмоқда, балки экологик тоза маҳсулот етиштириш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам ҳисса қўшмоқда. Суҳбат жараёнида ёш тадбиркор ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва қўшимча даромад манбаи яратиш мақсадида биогумус тайёрланаётган ҳудудга қуёш панеллари ўрнатиш лозимлигини билдириб, ушбу лойиҳа учун кредит олишда амалий ёрдам сўради.

Туман Ҳокими ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлаб, кредит ажратиш масаласида амалий ёрдам кўрсатилишини таъкидлади. Шунингдек, қуёш панелларини ўрнатувчи тадбиркор билан мулоқот жараёнида, қурилмаларни имтиёзли шартларда, ортиқча тўловларсиз ўрнатиб бериш чоралари кўрилишини билдирди.

Шу билан бирга, туман Ҳокими масъул раҳбарлар ҳамда маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига ҳар бир ҳудудда шундай ташаббускор ёшларни аниқлаш, уларни биогумус ишлаб чиқаришга ўргатиш, тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича аниқ топшириқлар берди. Таъкидланганидек, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудда бандликни таъминлаш ва қўшимча даромад манбаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

*Ўзбекистон Экологик партияси ҳаётидан*

## Кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштириб...

Ўзбекистон Экологик партияси алоҳида сиёсий куч сифатида ташкил этилган бўлиб, у давлатимиз фуқароларининг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ва сиёсий иродаларини ифодаловчи умуммиллий сиёсий ташкилот ҳисобланади. Ҳозирги пайтда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат барқарор ривожланишининг асосий бўғинларидан бири бўлиб, табиий ресурсларни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш масаласида кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларини бирлапштиришга улгурди.

Ўтмишга назар ташлар эканмиз, атроф-муҳит ҳолатига бегисандлик ва эътиборсиз муносабатда қараб келинганлиги табиий ресурслардан меъёридан ортиқча фойдаланиш ва экологик талабларга бўйсунмаслик, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг таназзули, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ёмонлашуви, биологик хилма-хилликнинг қисқариши каби бир қатор глобал ва минтақавий экологик муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Энг ачинарлиси барча муаммолар иқлим ўзгариши содир бўлаётган бир шароитга тўғри келмоқда. Шу сабабдан Ўзбекистон учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштириш масаласи долзарблигича қолаётганлигини яққол мисоли сифатида Орол денгизининг қуришини экологик муаммо сифатида кўришимиз мумкин. Сўнгги 30 йил ичида дунё мамлакатлари бўйлаб, хусусан, Европа, Америка ва Осиёнинг 100 га яқин давлатларида Экологик партиялар таъсис этилган ва улар сайловларга иштирок этиш ваколатларини қўлга киритган. Дунё бўйича 37 дан ортиқ экологик сиёсий партиялар парламентда ўз ўрнинларини эгаллаб, вакиллик ваколатига эга. Улар парламентда ўз олдига қўйган муштарак мақсадларини давлат сиёсати даражасида илгари сурмоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб мамлакатни ривожлантиришга эришиш, халқ фаровонлигини оширишга йўналтирилган ҳаётнинг барча соҳаларида – давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиётни либераллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш, маданият, ташқи сиёсат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизими ва бошқа соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг мақсади адолатли жамият ва демократик давлат қуриш, "Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун" тамойилини амалга ошириш устувор бўлиб, жойларда фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни яхлит ҳолда ҳал этишга қаратилган дастур ва ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш ва илгари суриш муҳимлигини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни муҳим деб ҳисоблайди.

**Нормаҳмат ЯХШИБОЕВ, Ўзбекистон Экологик партияси Музработ тумани Кенгаши раиси.**

## Хавфсиз йўл инфратузилмаси учун



**Туманимизда ички йўлларни асфальтлаш ишлари изчил давом этмоқда.**

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирда тумандаги 15 та маҳаллани қамраб олган 20 километр ички йўлларда асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар аҳоли учун қулай ва хавфсиз йўл инфратузилмасини яратишга хизмат қилади.

Туманимизнинг Гулобод маҳалласидаги Нуронийлар кўчасида асфальт ётқизиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Туман Ҳокими Абдулла Маматқулов қурилиш ишлари жараёнини ўрганиб, асфальтлаш ишлари белгиланган талаб ва меъёрларга мувофиқ олиб борилаётгани ҳолатини текширди. Шунингдек, тегишли ташкилот масъулларига ишларни сифатли ва белгиланган муддатда якунлаш, техник назоратни кучайтириш ҳамда аҳоли учун қулайлик яратиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

*Islohotlar ijrosi*

## Chuqur tahlil qilindi

**Yangi O'zbekistonda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlarning markazida, shubhasiz, yoshlar turibdi. Ularning bilimli, tashabbuskor va jismonan sog'lom bo'lib ulg'ayishi bugungi taraqqiyotning eng muhim omillaridan biri sifatida qaralmoqda. Shu bois mamlakatimizda yoshlar siyosati nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham mutlaqo yangi bosqichga ko'tarildi. Ana shu islohotlarning joylardagi ijrosi bilan yaqindan tanishish maqsadida hamda yoshlar hayotiga bevosita daxldor masalalarni chuqur tahlil qilish maqsadida Respublika komissiyasi ishchi guruhi Termiz davlat universitetiga tashrif buyurdi.**

O'rganishlar shuni ko'rsatdiki, bugungi kunda Termiz davlat universiteti nafaqat ta'lim beruvchi muassasa, balki yoshlar salohiyatini yuzaga chiqaruvchi muhim ijtimoiy maydonga aylanib ulgurgan. Bu yerda talaba-yoshlar uchun yaratilgan sharoitlar ularning ilmiy, ijodiy va sport sohalarida o'zini namoyon etishiga keng yo'l ochmoqda. Xususan, universitetda tashkil etilgan ilmiy tadqiqot markazlari va innovatsion laboratoriyalar yoshlarning ilm-fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshirayotgani e'tiborga molik. Talabalar o'z loyihalari ustida ishlash, yangi g'oyalarni sinovdan o'tkazish va amaliy natijalarga erishish imkoniga ega. Bu esa ularni kelajakda raqobatbardosh mutaxassis sifatida shakllantirishda muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda.

Yoshlar bilan ishlashda ochiqlik va muloqot muhitini yaratish ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Davlatimiz rahbari tashabbusi bilan joriy etilgan "Yoshlar kuni" amaliyoti doirasida har haftaning payshanba kuni universitetda ham rahbarlar va talaba-yoshlar o'rtasida bevosita uchrashuvlar tashkil etilmoqda. Bu jarayon yoshlarning muammolarini joyida hal etish, ularning takliflarini qo'llab-quvvatlash va tashabbuslarini ro'yobga chiqarishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.



Bugungi kunda yoshlarni har tomonlama rivojlantirishda sportning o'rni alohida e'tirof etilmoqda. Ayniqsa, davlatimiz rahbarining tashabbuslari bilan iqtidorli sportchi-yoshlarni eng quyi bo'g'indan boshlab saralash maqsadida joriy yil 17-may sanasidan boshlab ilk marotaba "Yangi O'zbekiston Olimpiya cho'qqilari" U-17 (15–17 yosh) toifasida sport musobaqalari 3 bosqichda – mintaqaviy (tuman-shahar), viloyat hamda respublika bosqichlarida o'tkazilishi belgilandi. Bu kabi musobaqalar yoshlarning sportga bo'lgan qiziqishini yanada kuchaytirib, iqtidorli sportchilarni aniqlash va ularni qo'llab-quvvatlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mazkur yo'nalishdagi ishlar Termiz davlat universitetida ham yaqqol namoyon bo'lmoqda. Universitet hududida bunyod etilgan zamonaviy sport infratuzilmalari – tennis kortlari, fitnes zallari va boshqa sport maydonlari yoshlar xizmatida. Ayniqsa, kechki paytlarda talabalarning ushbu maskanlarda faol shug'ullanayotgani, sog'lom turmush tarzini hayotiy mezonga aylantirayotgani e'tiborga loyiq.

Tashrif davomida so'zga chiqqan Sport vaziri maslahatchisi Sh.Mo'minjonov bugungi Yangi O'zbekiston yoshlari, xususan, Surxon vohasining fidoyi va shijoatli vakillari katta salohiyatga ega ekanini ta'kidlab, ularni sport bilan muntazam shug'ullanishga chaqirdi. Shuningdek, u yoshlar uchun yaratilayotgan imkoniyatlar kelajakda yuksak natijalar berishiga ishonch bildirdi.

Umuman olganda, Termiz davlat universiteti tajribasi bugungi kunda yoshlar siyosati amalda qanday ishlayotganining yorqin ifodasidir. Bu yerda yaratilgan muhit — bilim, tarbiya va sport uyg'unligi – Yangi O'zbekistonning ertangi kunini barpo etadigan barkamol avlodni voyaga yetkazishda mustahkam poydevor bo'lib xizmat qilmoqda.

**Jamshid NAZAROV, Termiz davlat universiteti O'zbek filologiyasi fakulteti tyutori.**

## Loyiha foydalanishga topshirildi

**2025-yilgi "Tashabbusli budjet" jarayonining ikkinchi mavsumida g'olib deb topilgan tumanimizning Fayziobod mahallasidagi 27-son umumiy o'rta ta'lim maktabida zamonaviy sport infratuzilmasi barpo etildi.**



Loyiha doirasida maktab hududida mini stadion, workout maydonchasi hamda yuvinish xonalari qurilib, to'liq foydalanishga topshirildi.

Ushbu loyihani amalga oshirish uchun jami 1 milliard 264 million so'm mablag' yo'naltirildi. Natijada maktab o'quvchilari, shuningdek, mahalla aholisi uchun sport bilan muntazam shug'ullanish, sog'lom turmush tarzini olib borish uchun zamonaviy va qulay sharoitlar yaratildi.

Yangi sport inshootlarining foydalanishga topshirilishi maktab jamoasi hamda mahalla aholisi tomonidan katta mamnuniyat bilan kutib olindi.

**Muzrabot tumani hokimligi Axborot xizmati.**

*Муддатидан олдин*

## НИЛУФАР ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Музработлик аълочи ўқувчи Абдусаломова Нилуфар Анвар қизи 2026 йилги Олимпиадада математика фани бўйича энг юқори натижага эришди.

Нилуфар Музработ тумани ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси. У Фармацевтика техника университетига 100 фоизлик грант асосида муддатидан аввал талабаликка қабул қилинди.

Нилуфар Абдусаломова аввалроқ физика ("А" даражали), математика ("В+" даражали), она тили ва адабиёт ("В+" даражали) ҳамда тарих ("С+" даражали) фанларидан "Сертификат"ларни қўлга киритган эди. Газетхонларимиз номидан билимдон ўқувчини ва унинг устозларини бу муваффақият билан табриклаймиз.



*«Ўзбекистон - 2030»*

# Стратегияда ижтимоий адолат ва ҳуқуқ устуворлиги

**Мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди ва унга кўра "Ўзбекистон - 2030" стратегияси тасдиқланди.**

Мазкур стратегия мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берган муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади. Хусусан, унинг IV-йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган.

Стратегиянинг 84-мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган. Бу борада:

-инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

-давлат органлари фаолиятида инсон манфаатларини устувор қилиш;

-фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини янада самарали ташкил этиш каби вазифалар белгиланган.

Стратегиянинг 85-мақсади суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш бўлиб, бунда суд тизимининг мустақиллиги ва адолатли судловни таъминлашга қаратилган. Бунинг учун:

-судлар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

-судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш;

-суд жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш;

-фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш каби вазифалар белгиланган.

Суд тизимини ислоҳ қилиш орқали фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Стратегиянинг 86-мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, бунда жиноятчиликни камайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу мақсад доирасида:

-ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш;

-маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш;

-киберjиноятчилик ва замонавий таҳдидларга қарши самарали чоралар кўриш;

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини модернизация қилиш каби вазифалар амалга оширилади. Албатта бу чоралар келгусида жамиятда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Стратегияда алоҳида аҳамият берилган 88-мақсад аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қаратилган. Бунинг учун:

-аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш;

-таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияни кучайтириш;

-оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали ҳуқуқий тарғибот ишларини кенгайтириш каби вазифалар белгиланган.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши жамиятда қонунга ҳурматни кучайтиради. Бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

"Ўзбекистон - 2030" стратегиясида белгиланган ушбу мақсадлар мамлакатимизда адолатли жамият барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган муҳим вазифаларни қамраб олган. Таъкидлаш керакки, мазкур мақсадларнинг изчил амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

**Толиб БАЙЗАКОВ,**
**Сурхондарё вилояти суди раиси.**

---

*Амир ТЕМУР таваллудининг 690 йиллигига*

# Энг қудратли давлат арбоби



Тарих – бу фақат ўтмиш воқеалари йиғиндиси эмас, балки келажакни шакллантирувчи буюк сабоқлар манбаи. Ана шундай тарих саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилган сиймолардан бири – Амир Темурдир. Унинг номи нафақат жанг майдонларидаги ғалабалар билан, балки давлат бошқаруви санъатини мукаммал даражага кўтарган буюк ислоҳотчи сифатида ҳам тилга олинади.

Ҳар қандай давлатнинг мустаҳкамлиги унинг бошқарув тизимига боғлиқ. Тарихда кўплаб ҳукмдорлар ўтган, бироқ уларнинг барчаси қитъаларни бирлаштирган улкан империя туза олишмаган. Унга ҳокимият мерос бўлиб ўтмади, балки унинг ўзи Темурийлар империясининг ҳар бир ғиштини ўз қўллари билан барпо этди. Амир Темур империя қурар экан, давлат бошқаруви соҳасида ўзига хос йўлни танлади. Марказлашган бошқарув ва адолат таомилларини уйғунлаштирган ҳолда, нафақат ўз даври, балки кейинги асрлар учун ҳам ибрат бўладиган давлат тизимини яратди.

Буюк саркарданинг қарашлари ўзининг "Темур тузуклари" номли китобида келтириб ўтилган. Китобни ўқир экансиз, Темурнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлари бугунги замонавий давлат бошқаруви назариялари билан ҳамоҳанг эканлигини гувоҳи бўласиз. Бу эса Амир Темурнинг мероси нақадар чуқур ва умрбоқий эканини кўрсатади.

Амир Темур томонидан барпо этилган давлат тизимининг энг муҳим жиҳатларидан бири – бу қатъий марказлашган бошқарув эди. У давлатни ягона марказдан туриб бошқаришни устувор деб билди. Бу эса турли ҳудудларда тартиб интизомни таъминлаш, ички низоларни бартараф этиш ва ташқи хавфларга қарши туриш имконини берди. Темур ўз даврида вилоятлар ва ҳудудларни бошқаришда ишончли амалдорларни тайинлаб, уларни қатъий назорат остида ушлаб турди. Ҳар бир амалдор ўз вазифасини сидқидилдан бажариши шарт эди, акс ҳолда жазога тортиларди. Бу эса давлат аппаратининг самарали ишлашини таъминлади.

Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида Темур давлатни қатъий тартиб, интизом асосида бошқариб, кучли разведка тизими қурганлигини келтириб ўтган. Амир Темур ўз жосуслари орқали давлатнинг ҳар бир бурчагида бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиб турган. Бироrта амалдор ёки вазирлари давлат ва халқнинг умумий аҳволи ҳақида унга нотўғри маълумот бера олмаган, вазирлар ва амалдорлар адолатсизликка йўл қўймаган. Чунки Темур ўз давлатидаги барча воқеаларни ўзининг яширин қулоқлари – жосуслари орқали билиб турган, золимларни қаттиқ жазолаган. "Темур тузуклари"да келтирилишича, Амир Темур халқни эзган, молини тортиб олган, адолатсиз вазиру вузароларини, амирларини мол-мулкини мусодара қилган, зиндонга ташлаган, ҳаттоки ўлим жазосига маҳкум қилган. Натижада Амир Темур барча соҳаларда ва мамлакатининг барча ҳудудларида барқарорлик ва адолатни таъминлаган.

Амир Темурнинг бошқарув фалсафасида адолат энг муҳим ўрин тутади. У "Куч – адолатдадир" деган машҳур ғояни илгари сурган. Бу тамойил унинг сиёсий фаолиятида асосий мезон бўлиб хизмат қилган. "Темур тузуклари" асарида ҳам адолат масаласи кенг ёритилган. Унда давлат бошқаруви, ҳарбий тартиб-интизом, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар аниқ қоидалар асосида белгилаб берилган. Темур учун адолат – фақат жазолаш эмас, балки ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тенгликни таъминлаш эди.

У қозилик судларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Қозилар мустақил ишлаши, қарорлари эса ҳаққоний бўлиши таъминланган. Темурийлар империясида қозилик судлари шу қадар яхши ишлаганки, мамлакатда оддий фуқародан тортиб вазирларгача бирдек айбига мутаносиб равишда жазога тортилган, ҳуқуқлари поймол қилинган бўлса зарар ундириб берилган. Мамлакатда қозилик судларидан норози ҳеч бир фуқаро бўлмаган. Қозилик судларида барча дин ва миллат вакиллари тенг кўрилган, арз-у додлари эшитилган. Натижада империянинг шуҳрати шунчалик ёйилдики, империя пойтахти Самарқанд Ер куррасининг 4 томонида сайқали рўйи замин деб атала бошланди. Буюк ипак йўлида хавфсизлик ва адолат таъминланди. Савдо карвонлари учун ҳам энг хавфсиз ҳудуд Самарқанд бўлиб уларнинг хавфсизликлари ва ҳуқуқлари мутлақ таъминланар эди. Бу эса давлат хазинаси чексиз савдо карвонларидан олинадиган солиқлар билан тўлиши ва Самарқанд жаҳон савдо марказига айланишига имконият яратди.

Машҳур шарқшунос олим Бартолд ҳам Амир Темур давлатини юқори даражада марказлашган ва тартибли тизим сифатида баҳолаб, унинг бошқарув услуби Шарқ давлатлари тараққиётида муҳим ўрин тутганини таъкидлайди. Амир Темурнинг сиёсий бошқарув модели – тартиб бўлмаган жойда тизим парчаланишини, адолат бўлмаган жойда – давлат емирилишини исботлади. Шу сабабли ҳам Амир Темур салтанат тожини адолат ва тартиб билан ҳимоя қилди. Натижада, тарих саҳифаларида Амир Темур енгилмас саркарда ва ўз даврининг энг қудратли давлат арбоби сифатида ўчмас из қолдирди.

**Лобар СУЮНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети талабаси.**

---

*Хотира уйғонса гўзал*

# ЭЛ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ МУДОМ

"Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан ундирилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир, чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам ва бунга куч ҳам топа олади".

Бу франг адиби Жюль Верннинг сўзлари эди. Ҳаётда бундай мардона одамлар яшаб ўтган, улар бугун ҳам замондошларига ибрат, намуна бўлиб яшаяпти ва келгусида ҳам жамият тараққиёти, ўз юрти ободлиги, эл фаровонлиги, аждодлари анъанасининг давомчилари бўлиб яшайди. Ҳақиқатан, меҳнатнинг ҳаёт қонуни эканини бутун вужуди билан ҳис этган, унинг қадрини биладиган ва сидқидилдан улуғлаган тумандошимиз марҳум Исмоил Сатторович Азизов ана шундай инсонлардан бири эди.



Исмоил Азизов асли чўл фарзанди. Ота-боболари Бойсун туманининг тоғли Дарбанд қишлоғидан. Ўтган асрнинг 50-йилларидан Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш учун кураш бошланганда уларнинг оиласи ҳам яқинлари билан биргаликда биринчилардан бўлиб Бешкўтон даштига кўчиб келишган. Унинг ҳақиқий чўл фарзанди деб аташимизнинг боиси шундаки, Исмоил Азизов 1960 йилнинг 17 апрелида чўлқувар деҳқон оиласида дунёга келган қўриқ ўғлонларидан. Улғайган сайин ўшанда бу ерда яшаш ва меҳнат қилиш нечоғли машаққат эканлигини бола тасаввурида фаҳмлаган, ўзи билан баробар бўй кўрсатаётган кўркам қишлоқлар, сермева боғ-роғлар, ҳосилдор пахтазору пайкаллар – ҳамма-ҳаммаси инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини англаб етган.

Исмоил Азизов зеҳни ўткир ўқувчи эканлиги билан мактабда тенгқурларига намуна бўлган. Умумий ўрта маълумотни 1967-1977 йиллар туманимиздаги ҳозирги 6-умумтаълим мактабида олди – аъло баҳоларда ўқиди. Билим даргоҳини битирган йилнинг ўзидаёқ Тожикистон давлат университетининг иқтисодиёт факультетига талабаликка қабул қилинди. Дорулфунунда олган беш йиллик сабоқдан сўнг Ватанига қайтгач, илк фаолиятини собиқ "Комсомолобод" давлат хўжалигида бош иқтисодчининг ёрдамчиси лавозимида бошлади. Халқ мақолида бўлармоннинг боласи ... деганларидек, у ҳам икки йилда салоҳиятли ёш кадр эканлигини кўрсатди, элга танилди, ҳурмат-эътибор қозонди. Шундан сўнг малакали ва билимдон мутахассис Исмоил Азизов 1983 йилдан 1996 йилгача хўжаликда бош иқтисодчи, партия қўмитаси котиби, касаба уюшмаси қўмитаси раиси, директор лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Тизим ўзгаргач, меҳнат аҳлининг хоҳиш-иродаси билан беш йил "Туркистон" жамоа хўжалигига раислик қилди. Тажрибали раҳбарнинг "Омад", "Азизова Гулруҳ" фермер хўжаликларига иш бошқарувчиси, "Қишлоқхўжаликкимё" туман идорасига бошлиқ бўлган йиллардаги тинимсиз ва муваффақиятли меҳнатини, жамоа билан эришган ютуқларини алқаб тилга олишади.

Фаолиятининг кейинги йилларида ҳудуддаги фермер хўжаликларига умумий раҳбар бўлиши баробарида ўзи етакчи бўлган "Азизов Ардашер" фермер хўжалигини довруқдор жамоага айлантирди. Ўзи иқтисодчи эмасми, истиқболли ишларни мўлжаллаб, аниқ ва салмоқли марраларни кўзда тутган ҳолда белгиланган режаларни зиёди билан бажаришга, ҳар бир йилни ёруғ юз билан сарҳисоб қилишга муваффақ бўларди. Кўпчиликка ибрат бўладиган ана шундай меҳнатлари учун Исмоил Азизов туман ва вилоят ҳокимликлари томонидан доимо муносиб рағбатлантириб келинган.

- Раҳматли акам ҳақли равишда бизнинг фахримиз эди. Хўжалик ва меҳнат аҳлининг муаммоларидан ортиб, биз, яқинларининг муроду ташвишлари учун ҳам вақт топарди. Айниқса, одамлар билан муросаю мадорага келишлари, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмасликка интилишлари, ҳузуридан ранжимай қайтишга йўл топишларига ҳавасим келарди. Ҳа, акамиз ана шундай ҳожатбарор инсон эдилар, - дейди укаси, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг қурилиш ишлари бўйича муҳандиси Исоқ Азизов.

Исмоил Азизов оилада меҳрибон, ғамхўр ва айни чоқда қаттиққўл ота сифатида умр йўлдоши Мухтабар Ёдгорова билан 3 ўғил, 3 қизни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандлари турли касбларни эгаллаб, давлатимиз, жамиятимиз ривожига катта ҳисса қўшишяпти. Неваражонлар эса бобоси орзу қилганидек, улуғ мақсадларни кўзлаб камол топишаяпти.

-Ҳаётда отамдан кўп фазилатларни, хусусан, одамлар билан муомала, мулоқот ва сўзлашиш одобини, касб этикаси ва маданиятини, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлишни ўрганганман, - дейди ўғли Алишер Азизов. – Падару бузрукворимга ҳавас қилиб, иқтисодиёт йўналишини танладим. Адашмаган эканман, руҳи поклари қўллаб, фаолиятимдан эл-юртимиз миннатдор. Илло, тоабад шундай бўлишига ҳаракат қиламан.

Афсуски, айни кексалик, нуронийлик гаштида Исмоил Сатторович Азизов 2021 йил 7 март куни бевақт вафот этди. Эл оқсоқолининг, меҳнаткаш, заҳматкаш инсоннинг юрт учун қилган хизматлари, муборак номи яқинлари, ёнма-ён юрган дўсту биродарлари қалбида мудом яшайди.

**А.ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

***Суратда:** марҳум Исмоил Азизов.*

---

*«Мустабид тузум томонидан ноҳақ қоралаб келинган бу улуғ зотнинг муборак номи ва хотираси мустақиллик йилларида тарихий адолат асосида қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланиб, ўзликни англаш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда».*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

---

# Соҳибқирон ҳақида янги китоблар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 февралдаги қарори ижросини таъминлаш ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини нишонлаш юзасидан юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунларда Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Комилжон Султонов томонидан тайёрланган янги асарлар нашрдан чиқди. "Миллий ўзликни англашда Амир Темур феномени ва унинг тарихий таҳлили" монографиясида Соҳибқирон Амир Темур феномени, унинг маънавияти, хусусан, ахлоқий фазилатларига оид масалалар янада тўлдирилиб, илк бор Соҳибқироннинг маънавий-маърифий қарашларида диний эътиқод ва бағрикенглик масаласи ҳам кенг таҳлил этилган.

"Амир Темур Иккинчи Шарқ Ренессанси бунёдкори" (ўқув қўлланма) "Олтин мерос пресс" нашриётида Аҳмаджон Бекназаров ҳаммуаллифлигида нашрдан чиқди. Мазкур ўқув қўлланмада Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёт йўлларидаги ибратли ишлари, донишмандлиги ва бунёдкорлиги акс этган ривоят ва ҳикоялар жамланиб, янги маълумот ва изоҳлар асосида тўлдирилди.

Монография ва ўқув қўлланма олий ҳарбий ва таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# УЛУҒ САРКАРДАГА БАҒИШЛАНДИ

Туман ахборот-кутубхона маркази томонидан буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан катта байрам тадбири ўтказилди.

Марказнинг тантаналар зали байрамона безатилди. Айниқса, улуғ саркарда Амир Темур ҳақида ёзилган асарлардан китоб кўргазмаси ташкил қилингани кўпчиликнинг эътиборини тортди. Туман ҳудудидаги мактабларнинг фаол китобхонлари иштирок этган тадбирни ахборот-кутубхона маркази раҳбари Б.Хурсандов очиб берди.



Тўпланганлар ҳузурида кутубхона ходими Озода Аминова Амир Темур ҳаёти, босиб ўтган йўллари ҳақида маъруза қилди. Тадбирда 15-мактаб ўқувчилари, айниқса, фаоллик кўрсатишди. Улар саҳна кўринишлари намойиш этишди, шеърлар ўқишди. Ёшлар ўша замонга мос либослар кийишиб мумтоз ашула ва рақслар ижро қилишди. Якунда ўқувчилар яхши иштироки учун эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир жуда мазмунли ва қизиқарли бўлди. Китобхонларда катта таассурот қолдирди.

**С.БЕКНАЗАРОВА,**
**туман ахборот-кутубхона маркази абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси.**

---

# Biz buyuk ajdodlarning avlodlarimiz




Maktabda yosh avlodga ta`lim-tarbiya berish barobarida, o'quvchi yoshlar ongiga buyuk ajdodlarimizga hurmat hissini shakllantirish hamda o'quvchilarga yoshligidanoq, sog'lom turmush tarzi asosida yashashda sportning ahamiyatini keng targ'ib qilish, iqtidorli yoshlar salohiyatini, layoqatini yuzaga chiqarish, namoyon etish va ularni munosib rag'batlantirish zarur. Shu maqsadda, Sohibqiron Amir Temur tavalludining 690 yilligiga bag'ishlab, maktabimizda "Amir Temur izdoshlari" shiori ostida "Quvnoq startlar" sport musobaqasi ko'tarinki ruhda o'tkazildi.

Tadbir boshida maktab direktorining ma`naviy-ma`rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari Zohid Islomov buyuk sarkarda va Turon markazlashgan davlati hamda Temuriylar sulolasi asoschisi Amir Temur (1336-yil 9-aprel, Kesh – 1405-yil 18-fevral, O'tror) hayoti va faoliyati haqida qiziqarli ma`lumot berdi. Xususan, Amir Temur Movarounnahr poytaxti Samarqandni ilm-fan va madaniyat markaziga aylantirgani haqida gapirdi. Uning saltanati Shimoliy Hindiston, Xuroson, Eron, Kavkaz, Oltin O'rda, Ona do'li, Mesopotamiyagacha cho'zilgani. Sohibqironnnig "Temur tuzuklari" asarida ko'plab o'gitlar, davlat boshqaruvi, harbiy-tartib va axloqiy qoidalar jamlanganini alohida ta`kidladi.

O'quvchilarni ushbu sport musobaqasi shartlari bilan tajribali, talabchan va o'z kasbiga fidoyi yondashuvchi pedagog, maktab jamoat ishlarida faol jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi Sodiq Turdiqulov tanishtirdi. Musobaqa 4 shartdan iborat bo'lib, unda 4-"A" va 4-"B" sinf o'quvchilari, jami har bir sinfdan 22 nafardan o'g'il-qizlar qatnashib, kuch sinashdilar.

Maktab ustozlaridan tashkil topgan hay`at a`zolari musobaqa jarayonini, bellashuvni kuzatib, xolisona baholadilar. Tadbir juda qiziqarli o'tdi. Bolalar shijoat bilan shartlarni bajardilar. Do'stlik g'alaba qozondi!

Tadbir so'ngida maktabimiz direktori Zohid O'sarov faol ishtirokchilarga "Faxriy yorliq"lar va jamoalarga esdalik sovg'alarini topshirdi. Musobaqa haqida o'z fikrlarini bildirib, tadbir tashkilotchilari 4-"A" va 4-"B" sinf rahbarlariga minnatdorchilik bildirdi.

Men uchun shunday ulug' dargohda jamoamiz bilan hamjihat bo'lib, ishlayotganim, bolajonlarga ta'lim berayotganim, garchi mashaqqatli bo'lsa-da, sevimli kasbim ortidan bolajonlarning murg'akkina qalbidan joy olayotganim bu – faxr, oliy baxtdir! Kelgusida ham bor kuch-salohiyatimni, bilimim, mahoratimni ishga solib, jonajon Vatanimiz kelajagi, ravnaqi uchun o'z hissamni qo'shib, zakovatli, iste`dodli yoshlarni tarbiyalab berishdek mas'uliyatni o'z zimmamga olaman!

**Muhabbat SHAMURATOVA,**
**20-maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

**Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлида изчил қадамлар билан олдинга интилмоқда. Қонунчилигимиз такомиллашиб, ҳар куни янги-янги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, Албатта, буларнинг замирида фақат Янги Ўзбекистоннинг янгиланган Конситуциясининг муқаддимасида қайд этилганидек, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлаш асосий мақсад қилинган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасидаислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу фармон давлат ва жамият ривожининг аниқ йўналишларини белгилаб, ҳар бир соҳада самарадорликни оширишга қаратилган.**

*Президент фармонига шарҳ*

# «Мақсад – ҳаракат – натижа»

Мазкур фармон моҳиятини “мақсад – ҳаракат – натижа” тамойили орқали тушуниш, айниқса, муҳимдир. Зеро, ҳар қандай юксалиш аниқ мақсаддан бошланади.

Мақсад – бу келажак сари йўналтирилган аниқ режа ва устувор вазифалар эканлиги барчага бирдек маълум. Фармонда 2030 йилгача мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини янги босқичга олиб чиқиш каби стратегик мақсадлар белгиланган. Бу мақсадлар нафақат давлат органлари, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларда намоён бўлади.

Ҳаракат – бу белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга ошириладиган аниқ ишлар ва ислоҳотлардир. Фармонда ислоҳотларни изчил давом эттириш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш каби муҳим чора-тадбирлар кўзда тутилган. Ҳаракат бўлмаса, энг яхши мақсад ҳам қоғозда қолиб кетади. Шу боис, бугунги кунда барча соҳаларда фаол, ташаббускор ва масъулиятли ёндашув талаб этилмоқда.

Амалга оширилган ҳаракатларнинг самараси эса натижа ҳисобланади. Фармон ижроси натижасида иқтисодий ўсиш суръатлари ошиши, янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиши кутилмоқда. Энг муҳими, инсон қадри устувор бўлган жамият шаклланади. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи бўлади.

Мазкур фармоннинг “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” деб номланган IV йўналишида жиноят иши юритувида ярашув институтидан фойдаланиш имкониятини 20 фоизга ошириш, судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларидан фойдаланиш даражасини 50 фоизга етказиш, кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улушини 45 фоизгача камайтириш, судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низоларни муқобил ҳал этиш улушини 20 фоизга етказиш, маъмурий судларда ишларнинг келиштириш чоралари орқали ҳал этилиш даражасини 50 фоизга ошириш, судьялар орасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш, фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида янги интерактив хизматлар сонини 19 тага етказиш, суд ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини таъминлаш жараёнига сунъий интеллектни жорий этиш орқали ижро ишларининг 30 фоизини мажбурлов чораларини қўлламаган ҳолда ижросини таъминлаш каби шу ва бошқа бир қанча устувор мақсад ва вазифалар белгиланган. Бу каби мақсад ва вазифаларга эришишда масъул идоралар билан бир қаторда бутун халқимиз ва жамиятимиз биргаликда ҳаракат қилмоғи зарур деб ҳисоблайман. Биз бугун мақсадни олдимизга қўйиб, шу мақсад йўлида сидқидилдан ҳаракат қилсак, эртага унинг натижасини кўришимиз мумкин бўлади.

Зеро, “мақсад – ҳаракат – натижа” занжири ҳар бир ислоҳотнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Президентимиз томонидан фармонда белгилаб берилган йўналишлар эса мамлакатимизни янада тараққий топган, фаровон ва барқарор давлатга айлантиришга хизмат қилади. Энди эса бу мақсадларни рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг фаол иштирокимиз ва фидокорона меҳнатимизга боғлиқ.

**Н.БЕКНАЗАРОВ,**
**Термиз туманлараро иқтисодий судининг судья ёрдамчиси.**

*Имом Бухорий мероси ва мажмуасида*

# МАЪНАВИЯТ МУЖАССАМ



**Ҳадисшунослик илмида улуғ даражага кўтарилган аждодларимиз мероси ислом оламида ҳамиша қадрли саналади. Ал-Бухорий, Имом Муслим, Исо ат-Термизий ва шу каби бошқа илм аҳлларининг маънавий ҳамда мантиқий қарашлари замонлар ошса-да, янги-янги тадқиқотларга асос бўлиб келмоқда. Шулар ичидан “Ҳадис илмида амир ал-мўминийн” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорий алоҳида эътиборга молик олимдир.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида буюк муҳаддис бобомизнинг мажмуаси у кишининг ислом оламида тутган юксак мавқеи, салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 19 март куни Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди. Дарҳақиқат, мазкур мажмуа чин маънода нафақат Самарқанднинг, балки янги Ўзбекистоннинг дурдонаси бўлиб қад ростлади.

– Имом Бухорий мажмуаси илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир кунига 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш қувватига эга, – деди Имом Бухорий мажмуаси директори Шаҳобиддин Арзиқулов. – Майдони 45 гектарни ташкил этувчи мажмуада 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устунли, миллий услубдаги муҳташам айвон қурилди. Шунингдек, тўрт юлдузли, уч юлдузли меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари ҳамда автотураргоҳ барпо этилди. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Мажмуа таркибида энг илғор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей барпо этилди. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади.

Дарҳақиқат, ислом тарихини, маърифатини юртимиздан етишиб чиққан буюк олиму уламоларнинг номларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

– Ҳадис илми ҳақида гап кетса, аввало заминимиздан етишиб чиққан уламолар мероси ёдимизга келади, – деди Имом Бухорий жоме масжиди имом ноиби Муҳаммадшокир Насриддинов. – Ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни зўр қизиқиш билан эгаллаган Имом Бухорий ҳазратлари ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ва Вакий каби олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиб, ёдлаган, устози Шайх Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳижозга йўл олади. Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшайди. Ҳадис билан бир қаторда фиқҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва дарс ҳам беради. Имом ал-Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий элларда, мусофирчиликда ўтади.

У зотнинг “Саҳиҳи Бухорий” китоби дунёда тан олинган энг мўътабар олтита ҳадис китобининг биридир. Аллома бобомиз 20 дан ортиқ асар ёзганлар. Улар то ҳануз дину диёнатимизни мустаҳкамлаш йўлида ислом умматига хизмат қилиб келмоқда. Имом Бухорий маънавий мероси эътиқодда улкан маънони акс эттиради. Ул зотнинг буюк изланишлари, билими, камолоти зиёратчилар, жумладан, ёшлар учун намуна бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб етади, тўғри йўлдан адашмайди.

**Абдулазиз РУСТАМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Инсон ва қонун*

# Ўзбошимча ер «соҳиби»

Музработ тумани Гулобод маҳалласида яшовчи Асқар Тўхтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган), бир қарашда қўй оғзидан хас олмайдиган кишига ўхшайди. Аслида унинг бу “мижжа қоқмай” жимгина юриши ортида гап кўп экан. У маҳалла ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган 48,6 балл-бонитетли 0,4075 гектар суғориладиган ер майдонини ноқонуний равишда эгаллаб, фақир панада деганларидек, 2024 йилнинг декабрь ойида ўзбошимчалик билан 225,12 кв.м ҳажмда уй-жой учун бино қуриб олган.

Асқар Тўхтаевнинг бу қилмиши Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сон Қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон фармони талабларига риоя қилмасдан суғориладиган ер майдонини фойдаланишдан чиқиб кетишига сабабчи бўлган. Суд жараёнида А.Тўхтаев айбига иқрорлик билдириб, ўзбошимчалик билан уй-жой биносини қурганлигини тан олди.

Қонунбузар А.Тўхтаев 1999 йилдан буён шу маҳаллада оила аъзолари билан яшайди. Туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0,4075 гектар ер майдонига ҳар хил турдаги мевали дарахтларни экиб, парваришлаган. Ушбу ер майдонига тахминан 2007 йилда молхона ва ҳожатхона қуриб, уй ҳайвонларини сақлаб келган. Кейинчалик шу жойга 8 хонадан иборат уй-жой қурилишини бошлаган. Мазкур уй-жой қурилишини терговга қадар давом эттирган. Бу билан у давлатга 25273190 сўм зарар етказган. Судда у қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, қилмишининг оқибатини англаб етганлигини баён этган.

Суд судланувчи А.Тўхтаевга нисбатан Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 229[1]-моддаси 2-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, яшаш жойи Музработ туманидаги Гулобод маҳалласидаги уйидан чеклашдан иборат бўлган 4 йил муддатга озодликдан чеклаш жазосини тайинлади. А.Тўхтаев томонидан етказилган зарар – 25273190 сўм давлат фойдасига ўтказилди.

**А.ЧАРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Оғуфурушнинг аянчли тақдири

Инсон ҳаётда яшар экан, ўзидан яхши ном ва из қолдиришга интилади. Лекин бугунги кунда айрим инсонлар дунёқараши ва яшаш тарзи ўзгаргани сайин, енгил бойлик орттириш, ортиқча орзу-ҳавас кетидан эргашиб кўпгина қабиҳ ишларга ҳам қўл ураётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ана шундай қабиҳликлардан бири, кўпчиликнинг умрига завол бўлаётган гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосидир. Гиёҳвандлик асримизнинг глобал муаммосига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсониятга таҳдид солган вабо, ўлат ва бошқа шу каби эпидемиялар, ҳозирги вақтда гиёҳвандликка ўрнини бўшатиб берган десак муболаға бўлмайди.

Минг афсуслар бўлсинки, орамизда гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи шахслар талайгина. Биз билан бир заминда яшаб келаётган, бир ватаннинг фарзандлари бўлган айрим фуқаролар жамиятимиз манфаатларига зид ва қонунга хилоф равишда бойлик орттириш мақсадида “ажал оғусини” ноқонуний олди-сотдиси билан боғлиқ қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга ошириши кўзга ташланмоқда.

Жумладан, Термиз шаҳрида яшовчи “А.А.” исмли шахс муқаддам гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан шуғулланиб, жазо муддатини ўтаб чиққанига қарамай, ўз қилмишларига пушаймон бўлмасдан яна аввалги қинғир ишларини амалга ошира бошлаган. Хусусан, “А.А.” Термиз шаҳар “Ёшлик” маҳалласи ҳудудида “Х.Х” исмли шахсга “гашиш” гиёҳвандлик моддасини сотаётган вақтда тезкор тадбирда ушланиб, гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда расмийлаштириб олинган. Тезкор тадбир давом эттирилиб шахсий тинтув ўтказилганида унинг ёнида яна катта миқдорда “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланган. Ушбу гиёҳвандлик моддаси ҳам тегишли тартибда расмийлаштириб олинган ва тергов ҳаракатлари ўтказилган.

Ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар Суд ҳайъати ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини синчковлик билан тўла ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, “А.А.” Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми, 276-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилди ҳамда унга 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ушбу ҳолат юзасидан шундай хулосага келиш мумкинки, айрим фуқаролар содир этган қилмишлари учун жазога тортилиб кейинчалик тўғри йўлга киришлари учун уларга имкон берилганлигини суистеъмол қилишмоқда. Аниқроғи, жиноятга жазо муқаррар эканлигини англамай келишмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, гиёҳвандлик инсоният учун ҳар томонлама катта зиён келтирувчи, заҳри қотил ҳисобланади. Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки бутун жамият, инсониятнинг устувор мақсадига айланмоғи лозим. Зеро, тинчлик ва саломатлик энг олий неъматдир.

**А.БАКИРОВ.**

*Жамият иллати*

# Коррупцияни олдини олиш

## ҳудудда давлат хизматлари сифатини оширишнинг муҳим омилидир

**Бугунги кунда давлатимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва шаффоф бошқарув тизимини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳудудий адлия органлари мазкур ислоҳотларнинг биринчи халқасида туриб, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, бюрократияни қисқартириш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда очиқликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Дарвоқе, давлат хизматларининг шаффофлиги коррупцияга қарши асосий тўсиқ ҳисобланади.

Шунга кўра, сўнгги йилларда “Электрон ҳукумат” тизимини кенг жорий этиш натижасида кўплаб хизматлар онлайн шаклга ўтказилди. Бу эса: инсон омилини камайтирди, ортиқча ҳужжатлар талабини қисқартирди, вақт ва маблағ тежалишига хизмат қилди. Хусусан, ФҲДЁ, нотариат, кадастр ва бошқа йўналишларда электрон навбат ва электрон мурожаат тизимининг рақамлаштириш даражасини ошириб, коррупциявий хавфларнинг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги вақтда бюрократияни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайди.

Бинобарин, адлия бўлими томонидан давлат хизматларида ортиқча талаблар, кераксиз ҳужжатлар ва такрорий жараёнлар мунтазам ўрганилиб борилмоқда. Таҳлиллар асосида жуда кўплаб хизматларда қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди: талаб қилинадиган ҳужжатлар сони қисқартирилди, аризаларни кўриб чиқиш муддати тезлаштирилди, масъул ходимларнинг жавобгарлиги кучайтирилди.

Коррупцияни олдини олиш фақат жазолаш орқали эмас, балки ҳамкорлик орқали самарали кечади. Шу боис адлия бўлими томонидан ҳокимлик, солиқ, кадастр, прокуратура, ички ишлар ва бошқа идоралар билан биргаликда маҳаллаларда профилактик тадбирлар ўтказилиб фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти оширилмоқда. Шунингдек, маҳаллалар кесимида аҳолининг мурожаатларини ўрганиш, жойида ечим топиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тизимли учрашувлар йўлга қўйилган.

Жойларда фуқаролар мурожаатлари очиқ ва тезкор тартибда ўрганиляпти. Жорий этилган “Шаффоф мурожаат” тизими фуқаролардан келаётган мурожаатларнинг электрон тарзда қабул қилиниши, уларнинг ҳар бир босқичи бўйича ахборот берилиши, жавоблар очиқлиги ва масъулларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада мурожаатларни кўриб чиқиш муддати қисқарди, жавоблар сифати яхшиланди, мурожаатлар бўйича ноқонуний талабларга ўрин қолмаяпти.

Ҳуқуқий маданият жамиятни ҳимоя қилувчи энг асосий куч саналади. Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида таълим муассасалари маҳалла ва меҳнат жамоаларида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ўтказилаётган тадбирлар давомида коррупциянинг зарарли оқибатлари, ҳалоллик ва қонунийлик тамойиллари, мурожаат қилиш тартиби, давлат хизматларидан фойдаланиш йўллари тўғрисида амалий маълумотлар берилмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади фуқароларга очиқ, адолатли, сифатли ва коррупциядан холи хизмат кўрсатишдир. Ҳалоллик ва адолат тамойиллари асосида иш олиб бориш ҳар бир ходимнинг энг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Шу йўл билан биз жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қиламиз.

**С.АКРАМОВ,**
**Термиз тумани адлия бўлими бошлиғи.**

*Эълон*

# Пенсия олувчилар диққатига

Энди сиз пенсия тайинланганлиги тўғрисидаги маълумотномани онлайн олишингиз мумкин. Бунинг учун Пенсия жамғармаси томонидан my.gov.uz порталида яна бир онлайн хизмат ишга туширилди (https://my.gov.uz/uz/service/1354)

Эндиликда сиз ушбу хизматдан фойдаланган ҳолда "Тайинланган пенсия тўғрисида маълумотнома"ни уйдан чиқмасдан туриб олишингиз мумкин. Бунда Пенсия жамғармаси туман бўлимига мурожаат қилишингиз шарт эмас.

Барчаси тез, қулай ва жуда осон.

**Бюджетдан ташқари**
**Пенсия жамғармаси**
**Музработ туман бўлими.**

Музработ туманидаги «Музработ автомобилларда юк ва йўловчи ташиш» МЧЖга Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 18 мартдаги 64-а/ф-сонли буйруғига асосан берилган «Мулкий ҳуқуқий тасдиқловчи 56-сонли давлат ордери» йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

x x x

Botirboyeva Durdona Botir qiziga tegishli 2022-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqam belgisi 75 L 260 BB bo`lgan “Damas” rusumli yengil avtomobilga 2026-yil 6-aprelda berilgan AAG № 837452 raqamli avtotransport vositasi ro`yxatdan o`kazilganligi to`g`risidagi guvohnoma yo`qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

*«Yangi O‘zbekiston bunyodkorlari»*

# Tanlovni o‘tkazish tartibi belgilandi

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Yangi O‘zbekiston bunyodkorlari” kasbiy mahorat milliy tanlovini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi 2026-yil 8-apreldagi 152-sonli nizom tasdiqlandi.

Nizomga ko‘ra, 16 yoshga to‘lgan va 30 yoshdan oshmagan texnikum o‘quvchilari, yoshlar, talabalar hamda band bo‘lmagan aholi o‘rtasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun “Yangi O‘zbekiston bunyodkorlari” kasbiy mahorat milliy tanlovi o‘tkaziladi.

Bundan tashqari, kasbiy ta’lim agentligi tomonidan har yili 1 martga qadar (shu kuni ham) elektron platforma orqali tanlovda ishtirok etish uchun nomzodlar ro‘yxatdan o‘tkaziladi.

Tanlovda:

1-bosqichda – yoshlar, talabalar va band bo‘lmagan aholi orasidan har bir kasb kesimida mahallalardan 3 nafardan nomzod;

2-bosqichda – texnikum o‘quvchilari hamda tanlovning 1-bosqichida eng yuqori natija ko‘rsatgan har bir kasb kesimida 1–3-o‘rin egalari;

3-bosqichda – tanlovning 2-bosqichida eng yuqori natija ko‘rsatgan har bir kasb kesimida 1–5-o‘rin egalari ishtirok etadi.

Tanlov tegishli kasb bo‘yicha moddiy-texnik bazasi mavjud bo‘lgan texnikumlarda, ish beruvchi korxona(tashkilot)larda va IT-parklarda hamda moslashtirilgan maxsus poligonlarda o‘tkaziladi.

Tanlovning 3-bosqichi g‘oliblari va ularga biriktirilgan amaliyot ustozlari BHMning quyidagi miqdorlarida 1 martalik pul mukofotlari bilan taqdirlanadi:

1-o‘rin (oltin medal) sohibiga – 20, amaliyot ustoziga – 100 baravari;

2-o‘rin (kumush medal) sohibiga – 15, amaliyot ustoziga – 80 baravari;

3-o‘rin (bronza medal) sohibiga – 10, amaliyot ustoziga – 60 baravari.

Tanlovning 3-bosqichi g‘oliblariga “WorldSkills International” tashkilotining “WorldSkills” xalqaro chempionatida ishtirok etish huquqi berilishi belgab qo‘yildi.

**A.YUNUSOV,**
**viloyat adliya boshqarmasi Yuridik xizmatlar faoliyatini muvofiqlashtirish bo‘yicha bosh maslahatchisi.**

*15 апрель – Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни*

# Халқимиз хизматида бўлиш ҳам шараф, ҳам ифтихордир

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонуни 2021 йил 7 июнь куни қабул қилинган. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан белгиланган касб байрамимиз санаси – 15 апрелни мамлакатимиз маданият ва санъат ходимлари мана бешинчи йилдирки, зўр шодиёна билан нишонлаб келадилар. Бу, албатта, республикамизда маданият ва санъат ходимларига, ҳамкасбларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Қолаверса, касб байрамимизнинг кенг нишонланиши соҳа ходимлари учун бир қатор янги имкониятлар эшигини очди, давлатимиз раҳбари ва Ҳукумат томонидан ўта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Умуман, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кўлами ва миқёси кенг, моҳиятан миллий ва замонавий.



Бўлимимизнинг асосий фаолиятини аҳолининг бўш вақтларини, шунингдек, оммавий-маданий ишларни музмунли ташкил этиш ва мунтазам уюштиришдан иборат. Бунинг учун жамоамиз таркибига малакали, маҳоратли ва тажрибали соҳа ходимлари жалб этилган. Шу боисдан турли тадбирлар, айниқса, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари халқона ҳамда юксак савияда ўтказилиб келиняпти.

Бўлимимиз тасарруфида 3 та маданият марказлари ва 2 та ўқув муассасамиз бор. Булар туман марказидаги 26-, Наврўз маҳалласидаги 28-, Янгиобод қўрғонидаги 29-маданият марказлари, Халқобод қўрғонидаги 10-, Юртим жамоли маҳалласидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабларидир. Маданият марказларида рубоб, доира, рақс, ашула, мусиқа тўгараклари ишлаб турибди. Шунингдек, 29-маданият марказида 1700 дона китоб фондига эга кутубхона, овоз ёзиш студияси ҳам аҳолига маданий-маърифий хизмат кўрсатмоқда. «Музработ чамани» фольклор-этнографик ансамблига «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» унвони берилган. Бундан ташқари «Ёш ижодкорлар», «Бахшичилик кечалари» ва гала-концертлар уюштириб турилади. Мактабларда эса музработликларнинг 257 нафар ўғил-қизлари малакали устозлари кўмагида санъат олами сирларидан сабоқ олишаяпти. Туман марказидаги кўзи ожизлар кутубхонаси доимо ногиронлар хизматида.

Тизимдаги фаолиятимизни намунали ташкил этишда маданият марказлари директорлари Шаҳноза Файзиева, Шуҳрат Жўрақулов, тўгарак раҳбарлари Шерзод Набиев, Муқаддам Тараскина, Умид Нарзиев, Ўзбекистон халқ бахшиси Расул Умиров, кутубхоначи Марғуба Абдулазизоваларнинг саъй-ҳаракатларига тасаннолар айтсанг арзийди. Бу борада туман маънавият ва маърифат ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари билан ҳамкорлигимиз ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Халқимиз – маърифатпарвар ва санъатсевар. Шундай экан, доимо эл-юртимиз хизматида бўлиш жамоамиз учун ҳам шараф, ҳам ифтихордир.

**Улуғбек АБУЛҚОСИМОВ,**
**Музработ тумани маданият бўлими мудири.**

# San'atga oshno qalblar ustozi

Maktabimizda faoliyat olib borayotgan ustozlar orasida o'zining fidoyiligi, kasbiga sadoqati hamda yosh avlod tarbiyasidagi beqiyos hissasi bilan ajralib turadigan o'qituvchilardan biri Bonu Suvonqulovadir. U an'anaviy xonandalik yo'nalishida samarali faoliyat yuritib, o'quvchilarga milliy musiqa san'atimizning nozik jihatlarini puxta o'rgatib kelmoqda. Yosh o'qituvchi o'z darslarida nafaqat ijrochilik mahoratini, balki sahna madaniyati, ijodiy tafakkur va milliy qadriyatlarimizga hurmat tuyg'ularini ham singdirib boradi. Har bir shogirdiga individual yondashib, ularning iste'dodini kashf etish va rivojlantirish yo'lida tinimsiz mehnat qiladi.



Bonu Suvonqulova shu kungacha ko'plab ko'rik-tanlovlarda faol ishtirok etib, faxrli o'rinlarni qo'lga kiritgan. U, ayniqsa, bayramlar, madaniy tadbirlar va ommaviy chiqishlarda faol ishtirok etib, o'z san'ati bilan keng jamoatchilik e'tirofiga sazovor bo'lib kelmoqda.

Bonu Suvonqulovaning fidokorona mehnati tufayli uning shogirdlari ham yuqori natijalarga erishib kelmoqda. Xususan, yaqinda Xiva shahrida bo'lib o'tgan nufuzli "Khiva Art Fest–2026" xalqaro ijodiy ko'rik-tanlovida shogirdlari munosib ishtirok etib, faxrli 2- va 3-o'rinlarni qo'lga kiritdilar. Shuningdek, "Yangi O'zbekiston iqtidorlari" xalqaro ijodiy ko'rik-tanlovida hamda "Yangi nihollar" viloyat ko'rik-tanlovlarida ustoz shogirdlari faol qatnashib, faxrli 1- va 2-o'rinlarni egallab kelmoqda. Shu jumladan, "Yangi nihollar" tanlovida Muslima Ravshanova faxrli 1-o'rinni qo'lga kiritgan bo'lsa, yana bir iqtidorli shogirdi Alijon Yigitaliyev ko'plab tanlovlarda munosib ishtirok etib, 1-, 2-, 3-o'rinlar sohibi bo'ldi.

Bonu Suvonqulova tomonidan tarbiyalangan ko'plab shogirdlar bugungi kunda ham san'at yo'lini davom ettirib kelmoqda. Jumladan, Shodiya Jumayeva, Kamola Abduraimova, Javohir Boysariyev, Mahliyo O'ralova hamda Zuhra Qurbonova hozirda Termiz ixtisoslashtirilgan san'at maktabining an'anaviy xonandalik yo'nalishida tahsil olib, ustozning munosib davomchilari sifatida faoliyat olib bormoqdalar.

Ayni kunda esa ustoz qo'l ostida tahsil olayotgan iqtidorli shogirdlar–Muslima Ravshanova, Alijon Yigitaliyev, Mehribon Hasanova, Sevinch Sharipova, Sarboz Safarqulov hamda Dilafruz Safarqulova kabi yosh iste'dodlar ham turli tanlovlarda muvaffaqiyatli ishtirok etib, yuqori natijalarga erishib kelmoqdalar.

Shubhasiz, Bonu Suvonqulova o'z kasbiga mehr qo'ygan, yosh avlod kamoloti uchun bor kuchini safarbar etayotgan, haqiqiy fidoyi ustozdir. Uning mehnati, sabr-toqati va san'atga bo'lgan sadoqati natijasida ko'plab iste'dodli yoshlar kamol topib, katta sahnalarga yo'l olmoqda.

Bugungi kunda bunday jonkuyar, izlanuvchan va tashabbuskor ustozlarning borligi ta'lim muassasamiz uchun katta faxrdir.

**Azizbek MAXMATVALIYEV,**
**21-bolalar musiqa va san'at maktabi direktorining o'quv-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari.**

*Qadriyat*

# «Osh sayli»



O'quv yurtimiz jamoasi tashabbusi bilan o'quvchilar o'rtasida ko'tarinki kayfiyatda, do'stona muhitni mustahkamlash hamda milliy qadriyatlarimizni ulug'lash maqsadida "Osh sayli" tashkil etildi.

Tadbirda texnikumining 5 ta guruh jamoalari faol ishtirok etishdi. Har bir guruh o'ziga biriktirilgan qozonlarda milliy taomimiz – osh tayyorlab, o'z mahoratlarini, jamoaviy ishlash qobiliyatlarini hamda ijodkorliklarini namoyon etdilar.

Tadbir davomida o'quvchilar o'rtasida ahillik, hamjihatlik va sog'lom raqobat muhiti hukm surdi. Tayyorlangan oshlar esa hakamlar hay'ati tomonidan ta'mi, sifati, tayyorlanish jarayoni hamda tashkiliy jihatlari bo'yicha baholandi.

Mazkur "Osh sayli" nafaqat o'quvchilarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etishga, balki ularni milliy urf-odatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalashga ham xizmat qildi. Tadbir yakunida barcha ishtirokchi guruhlarga "Tashakkurnoma"lar hamda rag'batlantiruvchi sovg'alar topshirildi.

**Durdona FOZILOVA,**
**Muzrabot tumani 1-son texnikumi matematika oqituvchisi.**

*Zamonaviy pedagogik talqinlar*

# Ta'lim jarayonida yangi metodlarning qo'llanilishi

**Zamonaviy ta'lim jarayonida o'quvchilarda mustaqil fikrlash, ijodkorlik, muammolarga noodatiy yondashuv va samarali qaror qabul qilish ko'nikmalarini shakllantirish ustuvor vazifalardan biridir. Chunonchi, ta'limning maqsadi o'quvchilarni kelajakda muvaffaqiyatga erishishga tayyorlash, ularni mustaqil qaror qabul qiluvchi, ijodkor va tafakkuri keng shaxs sifatida tarbiyalashdan iborat. Ushbu jarayonda kreativ fikrlash, dizayn fikrlash va SCAMPER metodi o'quvchilarga juda katta yordam beradi.**

**I. Kreativ fikrlash**

Kreativ fikrlash – bu bilim va tajribaga asoslangan holda noodatiy, original va samarali yechimlar yaratish qobiliyati. U insonlarga murakkab vazifalarda ham kutilgan natijaga erishish uchun yangi strategiyalar ishlab chiqish imkonini beradi. Binobarin, ta'lim tizimi uchun kreativ fikrlashning ahamiyati juda katta.

Kreativ fikrlashning afzalliklari:

1.O'quvchini yodlashga emas, izlanishga undaydi.

2.Mustaqil fikrlashni kuchaytiradi.

3.Kashf etish va tajriba o'tkazish ko'nikmasini rivojlantiradi.

4.O'quvchi dars jarayonida passiv emas, faol ishtirokchi bo'ladi.

5.Real hayotdagi vaziyatlarga mos, amaliy bilimlar paydo bo'ladi.

O'quv jarayonida kreativ fikrlashni rivojlantirish orqali o'quvchi muammoni turli tomondan baholay oladi, yangicha echimlar taklif qiladi va o'z fikrini asoslay oladigan shaxs sifatida shakllanadi.

**II. Dizayn fikrlash**

Dizayn fikrlash (Design Thinking) – bu muammoni foydalanuvchi nuqtai nazaridan chuqur o'rganib, unga ijodiy va optimal yechim topish jarayoni. Hozirda u quruvchi, dasturchi, iqtisodchi, muhandis kabi ko'plab kasb egalari tomonidan keng qo'llaniladi.

Dizayn fikrlashning besh bosqichi:

1.Empatiya – o'quvchi yoki foydalanuvchi ehtiyojini chuqur tushunish.

2.Muammoni aniqlash – asosiy muammoni aniqlab, uni aniq shakllantirish.

3.G'oya yaratish – keng fikrlash orqali ko'plab yechimlar taklif qilish.

4.Prototiplash – taklif qilingan g'oyani amalda kichik model sifatida sinab ko'rish.

5.Sinovdan o'tkazish – prototipni tahlil qilish, kamchiliklarni tuzatish va takomillashtirish.

Ta'limda dizayn fikrlashning qo'llanishi:

-loyihaviy ishlash tashkil qilishda;

-muammoli darslarda kreativ yechim topishda;

-guruhda ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishda;

-innovatsion fikrlashni shakllantirishda;

-darsni real hayot bilan bog'lashda.

Men o'quv jarayonida dizayn fikrlash metodidan foydalanaman. O'quvchilar biror muammoni tahlil qiladi, g'oya yaratadi, kichik prototip tayyorlaydi va uni taqdim qiladi. Bu jarayon ularni ham ijodkor, ham mas'uliyatli qiladi.

**III. SCAMPER metodi**

SCAMPER metodi – ijodkorlikni rivojlantiruvchi, mavjud g'oyani qayta ishlash yoki takomillashtirishga yordam beruvchi eng samarali texnikalardan biridir.

U anglosaksoncha qisqartma bo'lib, quyidagilarni bildiradi:

S – substitute (almashtir);

C – combine (birlashtir);

A – adapt (moslashtir);

M – modifiy (o'zgartir);

P – put to another use (boshqa maqsadda ishlatish);

E – eliminote (olib tashlash);

R – rearrange (qayta tartiblash);

SCAMPERning ta'limdagi afzalliklari:

–o'quvchida keng fikrlashning rivojlantiradi;

–mavjud bo'lim asosida yangi g'oya yaratish ko'nikmasini shakllantiradi;

–o'quvchilarni o'z fikrini asoslashga o'rgatadi.

Darsda SCAMPERdan foydalanish orqali men o'quvchilarga mavjud vazifani boshqacha ko'rish imkonini beraman. Masalan, "Biznes asoslari" fanidan jamg'arish o'yinini, mikrobiznes o'yinini amalga oshirish jarayonini takomillashtirish maqsadida, har bir o'quvchiga korxona misolida emas, balki o'z oilasining (oylik oilaviy daromad va xarajatlari) misolida amalga oshirishini so'rayman.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, kreativ fikrlash, dizayn fikrlash va SCAMPER metodi ta'lim jarayonida o'quvchilarni faol, izlanuvchan, mustaqil fikrlay oladigan va innovatsion shaxs sifatida tarbiyalashga xizmat qiladi. Bu metod – o'quvchilarning tafakkurini kengaytiradi, ijodkorligini kuchaytiradi, amaliy bilim olishga yordam beradi. Shu bois bugungi kunda ushbu metodlarni qo'llash har bir o'qituvchining zamonaviy pedagogik yondashuvlaridan biri bo'lishi zarur.

**R.SUXROBOV,**
**Muzrabot tumani 1-son texnikumi uslubchisi.**

# Эл соғлиги – юрт бойлиги

**Бутунжаҳон Саломатлик куни туманимизда ҳам кенг нишонланди**

Маълумки, бундан роппа роса 78 йил муқаддам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га асос солинган. Ўша тарихий воқеадан сўнг ҳар йили 7 апрель Бутунжаҳон Саломатлик куни сифатида дунё бўйича кенг нишонлаб келинади. ЖССТ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасига ихтисослашган нуфузли муассасаси бўлиб, унинг таркибига ҳозирда 194 та аъзо давлатлар киради.

ЖССТнинг бош идораси Швецариянинг Женева шаҳрида жойлашган. Шунингдек, унинг 6 та минтақавий ва 150 та мамлакатда ваколатхоналари бор. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 25 майида ЖССТга аъзо бўлиб кирган. ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1993 йилда Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган. ЖССТ билан Ўзбекистон соғлиқни сақлашнинг кўплаб муҳим масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпти.

Ҳар йили ўтказиладиган саломатлик кунининг нишонланишидан асосий мақсад дунёда барча инсонларнинг ўзи ва оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш, турли хил касалликларни олдини олиш ва улардан сақланиш, жисмоний баркамол, ақлий мукаммал бўлиш учун зарур бўлган меъёрий яшаш усулларини яратиш ва шахсий гигиена қоидаларини билиш ҳамда унга амал қилиш, атроф-муҳит тозалигига, жамият соғлигига қаратилган ҳаракатларни амалга оширишдан иборатдир. Шунга кўра ЖССТ билан Ўзбекистоннинг самарали ҳамкорлиги муайян даражада ижобий натижаларни бераяпти.

Шу ўринда бир ҳақиқатга тўхталсак. Маълумки, инсонлар қадим замонлардан буён узоқ умр кўриш, ёш, навқирон бўлиб юриш, ёшариш сирларини билишга ҳаракат қилиб, изланиб келмоқдалар. Ҳозирги замон тиббиёт олимлари эса қуйидаги хулосага келдилар: "Қанчадан қанча шифохоналар қурилгани, қанча врачлар етишиб чиққанлиги билан ҳар бир инсоннинг соғлиги кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ ҳамда саломатлигига ўзи жавобгар, соғлиги фақат унинг ўзига кераклигини ҳис қилиш лозим. Бунинг учун ҳар бир киши ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликни олдини олиши учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиб яшаши шарт".

Демак, узоқ умр кўриш 50-55 фоиз одамнинг шахсан ўзига, унинг маънавияти ва маърифатига, ўзини тарбиялашига боғлиқ экан. Шунингдек, 20 фоизи авлоддан авлодга ўтадиган ирсий касалликларга, 20 фоизи атроф-муҳитга, сув иншоотларини тозалигига, об-ҳавога ҳамда экологияга, қолган 10-12 фоизи врачларнинг беморга кўрсатадиган малакали ва сифатли тиббий ёрдамига боғликдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин аҳоли саломатлигини сақлашга асосий масалалардан бири сифатида қараб келиняпти. Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, замонавий тиббиётни ривожлантириш учун бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, туманимизда ҳам жаҳон андозаларига мос тиббиёт бинолари қурилди, мавжудлари мукаммал таъмирланди, улар энг сўнгги нусхадаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Хусусан, ҳозирда туманимиз аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи 12 та замонавий тиббиёт муассасалари фаолият юритаяпти. Булар 1 та туман марказий шифохонаси, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 4 та оилавий шифокорлик пункти, 6 та оилавий поликлиникалардан иборат. Шунингдек, 15 та маҳаллада тиббиёт пунктлари ҳамда 10 га яқин хусусий тиббиёт муассасалари ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Эл соғлиги – юрт бойлиги, саломатликка эътибор – келажак авлодга эътибор, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, шундай. Бинобарин, Бутунжаҳон саломатлик куни туманимизда ҳам кенг нишонланди.

**Т.МАХМАДАЛИЕВ,**
**республика Саломатлик стратегик ривожланиш институтининг туман бўлими врачи.**

*She`riyat gulshani*

## Севмоқ ўлмас туйғу...

*Қўлингни ушладим, қўлларим ёнди,*
*Сўнган эҳтирослар яна уйғонди,*
*Ҳиссиёт севгидан, қасамдан тинди,*
*Севмоқ ўлмас туйғу экан дунёда.*

*Атлас либосингдан эс-ҳушим оғди,*
*Бошимга юлдузлар, оловлар ёғди,*
*Бу қандай беармон, унутмас чоғдир,*
*Куймоқ ўлмас хислат экан дунёда.*

*Норизо бўлсанг гар ёзган қўлим кес,*
*Чархлаб ханжарларинг умр йўлин кес,*
*Бу ҳақда сўйлаган бийрон тилим кес,*
*Севмоқ ўлмас туйғу экан дунёда.*

*Сад бор зор айлаган мени санамим,*
*Садпора бу кўнглим, чунки, кўп ғаним.*
*Не бахт, бериб кетдинг қўлга қаламим,*
*Севмоқ ўлмас туйғу экан дунёда.*

**Тоҳир МАМАТҚУЛОВ,**
**Шеробод тумани.**

## O'zbekistonim

*Yashayapman bo'stonda,*
*Bag'ri keng gulistonda.*
*Mening barcha orzuim,*
*Ro'yob O'zbekistonda.*

*Insonlari bir ajib,*
*Bir-biriga mehribon.*
*Hurmat qilar qarini,*
*Bola-chaqa barini.*

*Yashnab turar bog'lari,*
*Qir-adiru tog'lari.*
*Tabiati bahavo,*
*Bunda keling marhabo!*

*Yashna, go'zal chamanim,*
*Ey, mening gulistonim.*
*Doim porloq bo'l, deyman,*
*Jonim O'zbekistonim!*

## Vatan

*Vatan – ona diyorim,*
*Uni asrash shiorim.*
*Sodiq bo'lish burchimdir,*
*Bo'ldim sodiq har onim.*

*Vatan ota-onamdir,*
*Ham opam, ham singlimdir,*
*Har uyg'ongan tongimdir,*
*Vatan mening jonimdir.*

*Unda ulg'ayaman shod,*
*Zavqlanaman umrbod.*
*Gullab-yashnab doimo*
*Yurtim bo'lsin hur, obod.*

*Vatan mening jonimdir,*
*Ham tanamda qonimdir.*
*Onam kabi mehribon,*
*U mening qalqonimdir.*

**Shahzoda BOBOMURODOVA,**
**32-umumta`lim maktabining 6-sinf o'quvchisi.**

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO`LDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo`rg`oni, Amir Temur ko`chasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro`yxatga olingan. ISSN 2181–7006.
e-mail:shaymardonov8787@mail.ru
Buyurtma G- 1600 nusxada bosildi. Qog`oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi–473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi B.Shoymardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev.
Navbatchi O.Hakimova.

Gazeta «Surxon tongi» va «Заря Сурхана» gazetalari tahririyati bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy.
Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00